

**КУРАШНИНГ ХАЛҚАРО СПОРТ ТУРИ СИФАТИДА
РИВОЖЛАНИШИ**

Миржамолов Сирожиддин Хайридинович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириши
институти

Жисмоний тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси

shokiralbekov@gmail.com

Аннотация: Уибу мақолада кураш спорт турининг тарихий тараққиёти, унинг халқаро спорт тури сифатида шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари таҳлил қилинади. Миллий спорт сифатида Ўзбекистонда кенг тарқалган кураш бугунги кунда жаҳон аренасига чиқиб, Олимпия ўйинлари дастурига киритиш мақсадида фаол тарзибот қилинмоқда. Мақолада халқаро мусобақалар, курашини тарзиб этувчи ташкилотлар ва унинг келажаги ҳақида фикр юритилади.

Калим сўзлар: кураш, халқаро спорт, Олимпия ўйинлари, Жаҳон Кураш Ассоциацияси, анъанавий спорт, жисмоний маданият, спорт дипломатияси, миллий мерос, халқаро мусобақалар.

РАЗВИТИЕ КУРАША КАК МЕЖДУНАРОДНОГО СПОРТА

Миржамолов Сирожиддин Хайридинович

Старший преподаватель цикла физической подготовки

Институт повышения квалификации МВД Республики Узбекистан

shokiralbekov@gmail.com

Аннотация: В данной статье анализируется историческое развитие кураша, его становление как международного вида спорта и процессы его развития. Кураш, широко распространенный в Узбекистане как национальный вид спорта, в настоящее время активно пропагандируется с целью выхода на

мировую арену и включения его в программу Олимпийских игр. В статье рассматриваются международные соревнования, организации, пропагандирующие борьбу, и ее будущее.

Ключевые слова: кураш, международный спорт, Олимпийские игры, Всемирная ассоциация кураша, традиционный спорт, физическая культура, спортивная дипломатия, национальное наследие, международные соревнования.

DEVELOPMENT OF WRESTLING AS AN INTERNATIONAL SPORT

Mirzhamolov Sirojiddin Khayriddinovich

Senior teacher of physical training cycle

Institute for Advanced Studies of the Ministry of Internal Affairs
of the Republic of Uzbekistan

shokiralbekov@gmail.com

Abstract: This article analyzes the historical development of kurash sport, its formation and development processes as an international sport. Kurash, which is widespread in Uzbekistan as a national sport, is actively promoted today in order to enter the world arena and be included in the Olympic Games program. The article discusses international competitions, organizations promoting kurash, and its future.

Keywords: kurash, international sport, Olympic Games, World Kurash Association, traditional sport, physical culture, sports diplomacy, national heritage, international competitions.

КИРИШ

Кураш – бу қадимий ва миллий спорт тури бўлиб, у Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистонда кенг тарқалган. Миллий анъаналар асосида шаклланган бу спорт тури ҳозирги кунда халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан курашнинг дунё миқёсида танилиши ва ривожланиши учун муҳим қадамлар қўйилди.

Курашнинг келиб чиқиши минг йилликлар давомида шаклланган миллий

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

анъаналар билан боғлиқ. Кураш ҳақидаги ilk маълумотлар қадимги манбаларда, хусусан, “Авесто” да учрайди. Ушбу спорт тури асрлар давомида Ўзбекистон ва қўшни мамлакатларда жисмоний тайёргарликнинг ажралмас қисми бўлиб келган. 20-асрнинг охирларига келиб, кураш халқаро спорт сифатида ривожлана бошлади. 1998 йили Тошкент шаҳрида Халқаро Кураш Ассоциацияси (IKA) ташкил қилинди ва у курашни жаҳон спорти сифатида тарғиб этишни бошлади.

Халқаро Кураш Ассоциацияси (IKA) 1998 йили ташкил этилган IKA курашни ривожлантириш, унинг қоидаларини такомиллаштириш ва халқаро мусобақаларни ташкил этиш билан шуғулланади. Бугунги кунда 100 дан ортиқ давлат ушбу ташкилот таркибига киради.

Жаҳон чемпионати – ҳар икки йилда бир марта ўтказилади. Осиё ўйинлари – кураш 2018 йилда Жакартадаги Осиё ўйинлари дастурига киритилди.

Ислом бирдамлик ўйинлари – кураш Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларда оммалашиб бормоқда.

Курашни Олимпия ўйинларига киритиш учун Халқаро Олимпия Кўмитаси (IOC) томонидан белгиланган талабларга мос равища иш олиб борилмоқда. Бу жараёнда қуйидаги қадамлар муҳим аҳамият касб этади:

- спортнинг глобал миқёсда оммалашиши;
- расмий мусобақалар ва ташкилотларнинг халқаро миқёсда тан олинниши⁴
- олимпия ҳаракатининг талабларига мос қоидаларни жорий қилиш.

Курашнинг спорт дипломатиясидаги ўрни ҳақида таърифласак, спорт дипломатияси – бу халқаро муносабатларда спортдан фойдаланиб, мамлакатлар ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантириш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва маданий алмашинувни кучайтиришга қаратилган фаолиятдир. Кураш бу борада муҳим роль ўйнаб, Ўзбекистоннинг халқаро спорт майдонидаги нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

Кураш халқаро спорт тури сифатида Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар ўртасидаги дипломатик алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Спортчи ва мураббийлар ўртасидаги ҳамкорлик, турли давлатлардаги

мусобақалар курашнинг дунёдаги нуфузини оширишга хизмат қилмоқда. Масалан: Европа, Осиё ва Америкада кураш бўйича турли мусобақалар ташкил этилмоқда. Кураш бўйича халқаро мураббийлар ва ҳакамлар тайёрланмоқда. Спорт дипломатияси орқали давлатлар ўртасида маданий ва иқтисодий ҳамкорлик ривожланмоқда.

ХУЛОСА

Кураш бугунги кунда халқаро спорт майдонида ўз ўрнига эга бўлиб, унинг дунё миқёсидаги ривожланиши жадал суръатлар билан давом этмоқда. Миллий спорт сифатида бошланган бу беллашув тури халқаро ареналарда тобора кўпроқ тан олинмоқда ва Олимпия ўйинларига кириш учун жиддий ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Курашнинг келажаги унинг янада оммалашиши ва ёш авлодни соғлом турмуш тарзига йўналтириш билан чамбарчас боғлиқ.

Бундан ташқари, кураш нафақат миллий спорт тури, балки халқаро майдонда Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги юзини намоён этадиган муҳим воситалардан биридир. У халқаро мусобақалар, маданий алмашинув ва дипломатик ҳамкорлик воситаси сифатида жаҳон миқёсида тобора катта аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистоннинг спорт дипломатиясидаги ташабbusлари курашни Олимпия спорт тури сифатида эътироф этилишига замин яратади.

АДАБИЁТЛАР

1. Жаҳон Кураш Ассоциацияси (IKA) расмий веб-сайти. (www.kurash.org)
2. Назаров Ш. Курашнинг тарихи ва ривожланиш босқичлари. Тошкент, 2020.
3. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги. Ўзбекистонда спортнинг ривожланиши ва курашнинг аҳамияти. 2023.
4. ЮНЕСКО. Миллий спорт турларини глобал ривожлантириш дастури. Париж: UNESCO Press. 2019.
5. Ашурев Х. Кураш ва жаҳон спортидаги ўрни. Бухоро, 2022.